

БОШ НАВЗУ



“КОНТРАКТЧИ” ТАПАБА

5-бетда

БОПАПИГИ САРСОН БОЛАПАР

6-бетда

ЧАҚАЛОҚ ВЕЛОСИПЕД МИНАДИМИ?

8-бетда

Оила Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

37 (1292)-сон 14 сентябрь 2016 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

2016 йил – Соғлом она ва бола йили



Тоҳир Истагов олган сурат.

НУҚСОННИНГ КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

...Яқинда бир ташкилотда имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказилди. Бу болаларни таълим-тарбияга жалб қилиш, улар билан муомалада оила аъзолари қаратиши лозим бўлган жиҳатлар, мавжуд муаммолар ва баъзи ота-оналарнинг бу борадаги ютуқлари айтилиб, галдаги ишлар муҳокама қилинди.

Учрашув давомида юртимизда қанчадан-қанча болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги борасида олиб борилаётган ишлар аҳамиятини чуқурроқ ҳис қилдим. Гап ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, фарзандларнинг баркамол воёга етиши учун амалга оширилаётган кенг қўдамли ўзгаришлар ҳақида кетмоқда. Мамлакатимизда бу борадаги ишлар ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш каби муҳим жараёнлардан бошланди. Йилдан-йилга бу текширувлар такомиллашиб борди. Айниқса, жорий йилда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурига ҳомиладорлик вақти аниқлашнинг имкони бўлмаган аудиоскрининг, яъни чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини текшириш ҳам киритилиши яна бир нуқсоннинг ўз вақтида олди олинишига қаратилган тadbирлардан энг муҳимидир.

САРАЛАШ 95,7 ФОИЗГА ТЕНГ

– Йил бошидан бошлаб, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ЛОП бўлими мутахассислари томонидан туғруқхоналарда аудиоскрининг текширишлари ўтказилмоқда, – дейди вилоят солиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг оналик ва болалик муҳофазаси бўйича ўринбосари Гулноза Хожиметова.

(Давоми 3-бетда)



АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, “Оила ва жамият” газетасига обуна бошланганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз, дарддошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз деган умиддамиз.

КУШНИНГ ҲАМ УЙИ БУЗИЛМАСИН!



Суд оилани сақлаш учун иккинчи марта ишни кўришни қолдиришга ва эр-хотиннинг ярашиши учун қонунда кўрсатилган олти ойга муҳлатни белгилашга ҳақли.

2-бетда

“БИР ПИЁЛА ЧОЙМИЗ БОР, МЕҲМОН...”

Маҳалла аҳлининг турмуш тарзида бўй кўрсатаётган юксалишлар, обод манзиллар билан танишиш, бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ одамлар билан суҳбатлашиш дилингизни хушнуд қилади.

Юртимизда кечаётган юксалиш, кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари Иштихон туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласида ҳам намунали тарада амалга оширилмоқда. Эртанги кунга ишониб яшаётган маҳалла аҳли ширин ташвиши билан бавд. Кимдир мактабга, кимдир ишга шошади.

Маҳалла аҳли ўз оқсоқолини сайлашга ҳам алоҳида эътибор билан ёндаши. Узоқ йиллардан бери шу маҳаллада котиб бўлиб ишлаб келган, маҳалланинг пасту балидини яхши биладиган кишига ишонч билдирилди. Қутлуғ масканини янада обод этиш, бошлаган эзгу ишларни охирига етказиш масъулиятини маҳалла раиси Катта ишонч билан ўз зиммасига олди.

— Маҳалламиздаги 512 хонадонда 2591 нафар аҳоли тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда, — дейди “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусан Аҳмедов. — Худудимизда битта умумтаълим мактаби, учта мактабгача таълим муассасаси, педагогика коллежи мавжуд. Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга доир олиб борилаётган

ислохотлар бу ерда ҳам кенг қулоч ёйган. Маҳалламизда ўнлаб маиший ва сервис хизмати кўрсатишга ихтисослашган шохобчалар, кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Бу эса аҳоли фаровонлиги, тадбиркорлик ривожига салмоқли ҳисса



қўшаётир. Рости, танти, шижоатли маҳалладошларимизнинг ғайратини кўриб, қувониб кетаман. Энг улуг, энг азиз байрамимиз муносабати билан тадбиркорлар кўмагида боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимога муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, уй-жойлари қайта таъмирланди. Айниқса, маҳалламиз фаоли, тадбиркор Мавлон ака Оқилонинг бажарётган эзгу амаллари, ишларини ҳар

қанча гапирсак — да оз. У киши доимий ҳамкоримиз, ҳар байрамда кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий кўмак бериб келади.

Халқимизда қўли очиқнинг йўли очиқ, деган ибратли нақл бор.

Вағрикенг, саховатли тадбиркор Мавлон ака Оқилон кексаларни тез-тез йўқлаб туради. Айни пайтда йўллари текислаш, таъмирлаш ишлари борми, турли тадбирлар, тўй-маъракаларни тартибли, камчиқим ўтказишга ҳам Мавлон ака бош-қош.

Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мақсуда Худойбердиеванинг таъкидлашича,

Ватан ичра ватан

маҳалладаги деярли барча қизлар “Ораста қизлар” тўғарагига қамраб олинган. Улар орасида эрта турмушнинг олдини олиш, бўлғуси ҳаётга муносиб тайёргарлик, “Оқида қиз”, “Тадбиркор келин”, “Меҳрибон она” каби мавзуларда тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади.

— Соғлом она ва бола йилида оилалар, отахону, онахонлар иштирокида қўллаб учрашувлар ташкил этдик, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Катта ҳаёт тажрибасига эга кайвониларни ёш оилаларга масъул қилиб қўйганмиз. Шунинг учун уйдаги гап кўчага чиқмайди. Маҳалла ноziри нафақат аҳоли тинчлигини таъминлаш, балки оилавий муносабатларда ҳам ҳуқуқий ёрдамни аямайди.

Иштихон туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласи кун сайин обод бўлиб, бу масканда одамлар фаровон турмушдан мамнун яшамоқда. Мабодо бу ерга йўлингиз тушса, маҳалла аҳлининг “Бир пиёла чойимиз бор, меҳмон”, деган самимий таклифини рад этманг. Улар билан суҳбатлашсангиз, барчасига ўзингиз амин бўласиз.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият” мухбири

ҚУШНИНГ ҲАМ УЙИ БУЗИЛМАСИН!

Азалдан халқимиз оила тотувлигига, иноқлигига алоҳида эътибор бериб келган. Бугун ҳам оилалар мустаҳкамлиги ва барқарорлигига диққат қаратилиб, ажралишлар сони камайишига эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан, даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади, дейилган. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбурлигини назарда тутмоқ лозим.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг қўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотин ярашишлари учун муҳлат белгилашга ҳақли. Суд



ушбу муддатда эр-хотинни яраштириш мақсадида ажрим нусхаларини уларнинг яшаш манзилидаги хотин-қизлар кўмиталарига, маҳалла кенгашларига ва ўзини-ўзи бошқариш органларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин. Суд оилани сақлаш учун иккинчи марта ишни кўришни қолдиришга ва эр-хотиннинг ярашиши учун қонунда кўрсатилган олти

ойга муҳлатни белгилашга ҳақли.

Фуқаролик ишн бўйича судлар никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан мана шу тамойилга амал қилмоқда. Шаҳар ва туман ҳокимликлари ва хотин-қизлар кўмиталари ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликдаги белгиланган тадбирлар изчил амалиётга татбиқ қилинаётир. Судлар аввало, оиланинг барбод бўлганлик сабабини аниқлаб, шахслар устидан алоҳида ажримлар чиқариши, тарбиявий ҳаракатга эга бўлган чоралар кўриши, оилавий келишмовчиликларни ечишга ёрдам бериши учун ажрим нусхаларини уларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойларидаги хотин-қизлар кўмиталарига юбориши орқали оилаларни сақлаб қолишга эришилмоқда.

...Янгийўл шаҳрида яшовчи Д.Абдуллаева турмуш ўртоғи А.Абдуллаевга (исми шафариф ўзгартрилган) нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд томонидан 08.09.2015

Оила муқаддас қўргон

йилдаги ажрим билан тарафларга ярашиб олишлари учун 4 ой муҳлат берилган. Ушбу муддат ўтгандан кейин даъвогар Д.Абдуллаева судга ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи билан ярашиб кетгани, ҳозир бирга яшаётгани, даъво аризасидан воз кечишини, суд иш юритишни тугатишини сўраган. Суднинг 09.01.2016 йилдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 100-моддаси 3-бандига кўра даъвогар ариза билан талабларидан воз кечгани сабабли, фуқаролик ишини юритиш тугатилди.

...Даъвогар А.Қаюмов эса Ш.Қаюмовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган. Суд эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўйилаётган асосларни, эр-хотин ўртасида келишмовчилик асл сабабини ҳар томонлама текширишди. Суд мажлисида даъвогар ўз даъво аризасини қувватлаб, жавобгар билан қонуний турмуш қурганини, 2 фарзанди борлигини, бирга яшамашганини, болалари жавобгар қарамоғида қолганини, уларга алимент тўлашга рози эканини кўрсатиб, никоҳни бекор қилишни сўради.

Даъвогар никоҳдан ажратишни сўраган бўлса-да, суд бу оилани барбод бўлмаган, уни сақлаб қолиш керак, деб ҳисоблаб, жавобгар оиласини сақлаб қолмоқчи эканини, илгари улар орасида уриш-жанжал бўлмаганини, никоҳни бекор қилишга жиддий асос йўқлигини инобатга олиб, даъвони рад этди.

Даъвогар ушбу қарор устидан апелляция тартибиде шикоят киритган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўлини сифатида эътироф этилгани, унда оила давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатлангани, вақтинчалик келишмовчилик ва тасодифлар эр-хотин ўртасидаги ихтилофлар, жиддий вақтлар никоҳдан ажратиш учун етарли далил эмаслиги эътиборга олинган.

Мухтасар қилсак, қуш уйини бузиш ҳам мушкул. Оила эса энг муқаддас даргоҳ. Унинг қадрига етган кишигина эртасини бахтли кўради, бахтиёрлиги шундан деб биллади. Демак, оилани асра-сак, келажакни ҳам асраган бўламиз.

Хилола БЕГАЛИЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судяси

2016 йил – Соғлом она ва бола йили



дастурларида ҳам акс этади. Мисол учун бу йил вилоятдаги мактабгача ва мактаб ёшидаги 642595 нафар бола дегельминтизация дастури билан қамраб олинди. 1 ёшгача болалар орасида 14562 нафар ротавирус ва 14921 нафар бола пневмококкли инфекцияга қарши иммунизация ишлари олиб борилди.

Қишлоқ ҳудудларда яшовчи 33933 нафар ҳомиладор аёл таркибиде шу жумладан фоллий кислотаси мавжуд бўлган умумий соғломлаштирувчи

поливитаминларнинг махсус тўпламлари билан таъминланди. Шу йил 2-10 май кунлари “Болалар саломатлик ҳафталиги” ўтказилиб, 350624 нафар болалар 13 йилдан бери амалга ошириб келинаётган А витамини сапленментацияси дастури билан қамраб олинди.

БЕХАТАР БЕКАТЛАР

– Бехатар йўналиш принципи асосида ташкил қилинган тадбирларимиз шунчаки маърузалардан иборат эмас, унда ўқувчи ва тренер ўзаро интерактив мулоқотга киришди, – дейди вилоят репродуктив саломатлик маркази раҳбари Умида Бобораҳимова. – Мисол учун шартли равишда ташкил қилинган «бекат»лар репродуктив саломатлик, эрта турмуш қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ОИТС инфекцияси ҳақида турли маълумотлар тўпламидан иборат. Ушбу мавзудор доирасида ўқувчилар саволларга жавоб беради ва жавоблари таҳлил этилади. Шу тарафдаги тарғибот ишларимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида йил бошидан бери амалга ошириб келинмоқда. Мақсад – ёшларнинг саломатлик ҳақдаги тушунчаларини кенгайтириш ва бу билимлар соғлом фарзанд учун нечоғли аҳамиятли эканини аниқлашдан иборат.

Турмуш аталмиш бекатлардаги хавфларни тушуниришга бел боғлаган мутахассислар бўлгуси ота-оналар саломатлигига ўз вақтида қайғуриши лозимлигини уқтиришни истади. Қариндошлар ўртасидаги никоҳ ёхуд никоҳдан олдинги тиббий кўришни ўйин билиб, кейин пушаймон бўлганлар ҳақда коллеж ўқувчилари ўз вақтида билса, бу масалага эътиборлироқ бўлиши аниқ.

Мавзуга оид ҳулоса эса ўзидан аёнлашди: ўз вақтида амалга оширилаётган тиббий муолажалар, ижтимоий кўмак, аҳолининг турли қатламлари орасидаги тарғибот билан уйғунлашаётгани оналар ва болалар, демакки, миллат саломатлиги йўлидаги тизимли ишларнинг давом этаётганидан далолат беради.

Гулрўх МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият”
мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Жорий йилнинг 6-7 сентябрь кунларида пойтахтимизда “Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш – жамият ривожланишининг мустаҳкам асоси: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, БМТ аҳолишунослик жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган халқаро анжуманда мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, эришилаётган натижалар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мукамал тизим яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 августда қабул қилинган “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури Тўғрисида”ги қарори ҳамда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Оила, оналик ва болалик муҳофазасига оид кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар бунга мисолдир.

Ушбу лойиҳа доирасида маҳаллаларда саломатлик секторлари ташкил этилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга оид ишлар кучайтирилмоқда. Бу жараёнда оиладаги маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож катламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шундай кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда ҳар 100 мингта чақалоққа nisбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайдди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

– Оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги инсониятнинг нафақат бугунни, балки эртанги кунини ҳам белгилайдиган муҳим омиллардан биридир, – дейди германиялик эксперт Илона Гросс. – Бироқ дунёнинг қўллаб-қувватлашга, ҳатто тараққий этган мамлакатларда ҳам бу қадриятларни асрашга етарли эътибор қаратилмапти, деб бўлмайдди. Ўзбекистоннинг бу йўналишда кўлга киритган натижаларига барчанинг ҳаваси келади. Мамлакатимизда яратилган замонавий тизим ва имкониятлар келгусида бу ютуқларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

– Келажак авлодларнинг саломатлигини таъминлашда оила ва жамиятдаги тиббий маданият муҳим омил ҳисобланади, – дейди Испаниядаги «НМ Hospitals» клиникасининг бошқарувчи директори Хавьер Каскерио Лара. – Ўзбекистонда бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий тизими яратилганига гувоҳ бўлдик. Бу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ўзига хос концепциялар амалга оширилмоқда. Инсон омилига асосий эътибор бериш, замонавий тиббий ёрдамни аҳолининг барча қатламга етказиш, оила, она ва бола манфаати устувор этиб белгилангани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Мазкур халқаро анжуман ушбу йўналишдаги ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш, тиббий ютуқларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбир иштирокчилари Учтепа туманидаги Жўржоний маҳалласи ҳамда 23-оилавий поликлиникада бўлиб, ижтимоий шериклик лойиҳаси доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шунингдек, иштирокчилар ва хорижлик экспертлар мазкур маҳалладаги пиру бадавлат, ибратга муносиб оилалардан бирига таширф буюриб, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган энг улугвор қадрият – оиланинг бугунги тарққиёт, глобаллашув даврида ҳам миллат ҳаёти, жамият тараққиёти учун устувор аҳамият касб этиши, ушбу қадриятнинг бардавломлигини таъминлаш борасида ҳукуратимиз, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, жамоатчиликнинг узлуқсиз ва тизимли тарафдаги фидойий ҳаракатларига гувоҳ бўлдик.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўрибосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Воситхонова сўзга чиқди.

У.ГУРСУНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

НУҚ СОННИНГ КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Бугунги кунгача мингта яқин чақалоқлар текширилиб, нуқсонли мавжуд бўлганлари тегишли тиббий муассасасига юборилди. Ўтган вақт ичида актив равишда аниқланган нейросенсор қарлик мавжуд бўлган 18 болага кохлеар имплантация қилиш учун йўлланма берилди. Қолаверса, вилоятнинг барча туғруқ муассасаларида чақалоқларнинг геморагик касалиги профилактикаси бўйича 22977 нафар чақалоққа К витамини берилди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида ҳомиладор аёлларнинг 8515 нафари ўртасида перинатал ва 11600 нафар чақалоқда неонатал скрининг ўтказилиб, 7 нафарида туғма гипотериоз, 12 нафарида фенилкетонурия аниқланган. Айни пайтда ҳомиладор аёлларни оммавий перинатал ультратовуш скринингдан ўтказиш 95,7 фоизга тенг.

Болаларни республика ва чет эл клиниклари ва марказларида соғломлаштириш, жумладан, ногирон болаларни Германия клиникларида даволанишга юбориш учун 75 нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилди. Юқори тишлари ва қаттиқ танглайи ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган 3 нафар бола ва куйишдан кейинги ҳолатдаги 4 нафар бола пластик операция қилиш учун танлаб юборилди. Бир нафар бола Жаңубий Кореяга жаррохлик амалиёти ўтказиш учун жўнатилди. 18 нафар болага тиббий мутахассислари томонидан танглай нуқсонлари жаррохлик амалиёти бажарилди.

ФКУ, КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯ...

Тўғриси, ушбу рақам ва баъзи ҳамма учун тушунарли бўлмаган тиббий терминлардан иборат қисқа ҳисоботдан ногиронликнинг олдини олиш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг барчасини тушуниб олиш мушкул. Шунинг учун мазкур факт ва рақамларга изоҳ киритиб олиш ўринли. Мисол учун интернетнинг қидирув бўлимига «фенилкетонурия» деб ёзсам, натижалар орасида мен учун қўтилмаган фикрлар ҳам чиқиб келди. Ху-

сусан, МДХ давлатлари орасида айнан шу хасталикка чалинган болакайларга ёрдам сўраб, мурожаат қилган сайтлар ҳам бор экан. «ФКУ га чалинган болакай соғлом бўлиши учун бу бўтқалар жуда муҳим, уларни олишда сизнинг кўмагингиз керак», деб изоҳ берилади, мурожаат сўнггида. Демак, барча давлатларда ҳам мазкур хасталик билан тузилган болаларга бепул бўтқалар тарқатилмас экан-да, деган фикр ўтди хаёлимдан.

– Ҳақиқатан ҳам мазкур хасталик билан тузилган болалар илк ойлардан олоҳида таомланиши катта аҳамиятга эга, – дейди вилоят она ва бола скрининг маркази раҳбари Гулчехра Эшқобулова. – Фенилкетонурия хасталиги ирсий ҳисобланилиб, чақалоқ махсус таомланишдан икки ой кечикса ҳам, у физик ҳамда психомотор ривожланишдан ортада қола бошлайди. Шунинг учун махсус бўтқаларни ўз вақтида болага бериш унинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Ва бу хасталикнинг асосий давоси ҳам шундан иборат. Юртимизда мазкур хасталикка чалинганларга бепул махсус бўтқалар тарқатилади. Ушбу бўтқаларнинг ҳар бир банкиси ўртача 166 минг сўм туришини инобатга олсак, ҳукуратимиз томонидан бундай оилалар учун кўрсатилаётган ёрдам қўламини тасаввур қилиш қийинмас.

Ёки “эшитишда нуқсонли бор болаларга бепул кохлеар имплантация қилинди”, деган жумлаларни олайлик. Мутахассисларнинг фикрича, жуда эрта ёшда қўлланилса яхши натижа берадиган мазкур имплантациянинг ҳар бири 27 миң АҚШ доллари миқдорига баҳоланар экан. К витамини ҳам чақалоқларга бежиз берилмайди. Мутахассислар ушбу витамин чақалоқлар ўлимига сабаб бўлувчи миёга қон қуйилишининг олдини олади, деган фикрни билдиришмоқда.

Айтиш керакки, ҳар йили оналар ва болалар саломатлиги, улар ўртасида учрайдиган хасталиклар мамлакатимиз миқёсида чуқур ўрганилади. Кўп қузатилган хасталикларни даволаш ва уларнинг профилактикаси бўйича тизимли ишлар олиб борилиши Давлат

«O'ZLITINEFTGAZ» ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Бугун нефт ва газ кимёси саноати ривожланиши жадал равишида ўсиб бормоқда. Нефт-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва хомашё экспорт қилиш ҳажмини ошириш, балки уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилляпти.

Ўзбекистон Республикаси миллий бойлиги – табиий хом ашё манбаларини қазиб чиқариш ва ўзлаштиришга қарийб ярим асрлик вақт давомида «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамиятининг меҳнат жамоаси томонидан салмоқли ҳисса қўшиб келинмоқда. Ҳозирги кунда «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамияти – республика нефт ва газ тармоғи илмий-лойиҳа вазибаларини ечиш бўйича илмий ходимлар ва мутахассисларнинг юқори илмий-техникавий салоҳиятини ва бой тажрибасини бирлаштирган йирик марказлардан биридир.

«O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамиятида 445 муҳандис-техник ходим бўлиб, улар орасида 4 фан доктори, 10 фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Ходимларнинг 200 нафарини эса аёллар ташкил этади.

«O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамияти илмий ва лойиҳа йўналишида ўз фаолиятини олиб борар экан, бир қатор малакали мутахассислар илмий ва лойиҳалаш йўналишларида ўз маҳоратини кўрсатиб келмоқда. Конлар, корхоналар ва бутун тармоқ бўйича нефт, газ ва конденсатни қазиб чиқариш даражасини келгуси давр учун олдиндан айтиш, нефт, газ ва конденсат конларини ва газини ери ости заҳираларини углеводород резервуарларини уч ўлчовли моделлаштиришни қўллаш ҳолда, ишлаб чиқишни лойиҳалаштириш, нефт ва газ конларини, шу жумладан, газритабиий юқори босимли, мураккаб тоғ-геологик шароитларида қийинчилик билан олинадиган заҳиралари бўлган ва камайиб бораётган конларни самарали ишлаб чиқиш ва ишлатишни таъминлаш, нефт ва газ қудуқлари қурилишини лойиҳалаштириш, углеводород оқимларини жадаллаштириш, қатламларнинг нефт бера олишини кўпайтириш ва қудуқ фондларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадқиқотларни бажариш ва технологияларни тақдим этиш, ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланиш, қайтадан тикланадиган энергия манбаларини қўллаш соҳасидаги изланишлар, муҳандислик изланишларидан бошлаб объект остидаги майдонлар қурилишини, электр таъминотини, иншоотлар ва қувор узаткичлар ички майдон электр тармоғи ва электр ҳимоясини, иситиш, вентиляция, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти, канализация ва ёнгини ўчириш бўйича конструктив ва муҳандислик ечимлари, қон ва магистрал қувор узаткичлар кистирмалари ва улардаги иншоотларни, газ ва конденсатни қайта ишлаш объектларини, нефт ва газ конларини жиҳозлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги 25 йил ичида Ўзбекистон Республикаси нефт ва газ саноатини ривожланишига ҳисса қўшган йирик объектлар – Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишга туширилиши, Хўжаобод ери ости газ сақлаш омборининг фойдаланишига топширилиши, Шўртан қонида газни сиқиб компрессор станцияси, «Ўзбекистон-Хитой» трансмиллий магистрал газ қувири, Кўкдумалоқ қони-

да компрессор станцияси, Ўстюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводини қайта тиклашда «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамиятининг юқори малакали ходимлари катта ҳисса қўшишган.

«O'ZLITINEFTGAZ»нинг «Занг-лашдан ҳимоя қилиш» тажриба-хонаси мудири, техника фанлари доктори Нафиса Солижонова илмий тадқиқотлари натижалари билан кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда маърузалари билан иштирок этган. У 2003–2006 йилларда «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик Комплексининг докторлик Ихтисослашган Кенгаш аъзоси, «O'ZLITINEFTGAZ» Илмий Кенгаши аъзоси, «Ўзбекистон композицион материаллари» журналида таҳририят кенгаши аъзосидир. 150 дан ортиқ илмий ва 4 та услубий ишлари чоп этилган. Жумладан, 2 та монография, 14 та муаллифлик гувоҳномалари ва Ўзбекистон Республикаси патентларидир.

Унинг раҳбарлигида 1 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган, 2 та тадқиқотчининг илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда.

Эльза Досумова газни қайта ишлаш ва газ кимёси бўлимининг катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди, 40 йилдан ортиқ тажрибага эга малакали мутахассис, ёш мутахассисларни янги лойиҳаларда фаол иштирокини таъминлаб келажакда янги замон талабларига жавоб берувчи ва юқори малакали кадрларни тайёрлашда давом этмоқда.

Эльза Досумова газни қайта ишлаш корхоналарида технология жараёнларини мукамаллаштириш, қуридаётган ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг технологик жараён киемларини ишлаб чиқиш каби илмий – тадқиқот ва лойиҳа ишларида фаол қатнашиб келмоқда. 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 20 июлдаги 3-7 сонли қарори асосида ўтказилган «Ўз қасбининг моҳир эгалари» тадбирида корхона ишчи хизматчилари орасидан ўз қасабига бўлган фидойилиги, устоз-шогирд анъаналарини қўллаб-қувватлаган, қасбининг сир асорларини ёшларга ўргатиб, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажариб, ўз соҳасида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келётган тажрибали мутахассис Эльза Досумова кўрик-танлов ғолиблигини қўлга киритди.

Ирина Ивонина иқтисодиёт фанлари номзоди, 2004 йилдан бошлаб «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жа-

миятида «Умумтармоқ иқтисодий муаммоларни тадқиқ этиш» бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда, 90 га яқин илмий мақолалар, шу билан бирга 4 та монография муаллифи.

Унинг раҳбарлиги остида нефт-газ саноати корхоналари фаолиятини комплекс баҳолаш, инвестиция самардорлигини баҳолаш ва корхоналар томонидан асосий фондларни ишлатиш, тармоқ корхоналари солиқ тизими доирасида бир қанча амалий-илмий ишлар бажарилиди. 2015 йилда нефт ва газ саноатини ривожлантириш йўлида қилган кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳамда саноат ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ирина Ивонина «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» Миллий Холдинг Компаниясининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

Рано Бобоқонова кимё фанлари номзоди, 2004 йилдан тажрибахона мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Ушбу тажрибали мутахассис 30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи сифатида танилди. Ҳозирги кунда эса у нефт, газ ва конденсатларнинг кимёвий

таҳлили, ингибитор ва дезмульгаторларнинг ишлаш самардорлиги ва муқобил ёқилгилар таҳлили йўналиши бўйича фаолият юритмоқда.

2015 йилда нефт ва газ саноатини ривожлантириш йўлида қилган кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳамда саноат ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» Миллий Холдинг Компаниясининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Шунингдек, жамоада ўз қасбининг устаси бўлган, кўп йиллик меҳнатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси нефт ва газ саноатининг ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» Миллий Холдинг Компаниясининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган аёлларимиздан Гулнора Исабоева, Раиса Борн, Зухра Шахбаева, Людмила Павлова, Пан Антонина номи ҳурмат билан тилга олинади.

Фидокорона меҳнати ва ўз ишига садоқати учун лойиҳа бош муҳандиси Татьяна Невзорова, Стандартлаштириш ва ишлаб чиқариш сифат менежменти асосий бўлими бошлиғи Раиса Борн «Ўзбекистон мустақиллигига 20 йил» эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланганди.

Ушбу йил кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис Саодат Шахбаева, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тажрибахонаси мудири Сайёра Каримова «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мамлакатимиз келажаги ёшларимиз қўлида экан, «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамиятининг порлоқ келажаги бўлган ёш кадрлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

– Саноат ва экологик хавфсизлик бўлимида муҳандис лавозимида хизмат қиламан, – дейди Лазизахон Исмоилова. – Нефт ва газ саноати хавфсизлиги бўйича эксперт сифатида 30 дан ортиқ саноат хавфсизлиги декларацияларини ишлаб чиқишда қатнашиб, тажриба орттирдим. Шунингдек, Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент

давлат техника университети «Хаёт хавфсизлиги» кафедраси мустақил изланувчисиман. Ниятим – нефт ва газ саноатининг ривожланишига ҳисса қўшиш. Лазизахон Исмоилова 2011 йилда Оренбург шаҳридаги Волга урал НИПИ-ГАЗда ёшларнинг илмий кунига бағишлаб ўтказилган «Нефт ва газ конлари қидируви, ўзлаштириш ва ишлатишнинг асосий муаммолари» мавзусидаги халқаро анжуманда лауреат бўлди.

Шаҳзода Сиражова ҳам «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамиятида «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» Миллий Холдинг Компаниясининг инновацион маркази» бўлимида муҳандис лавозимида ишлайди. Мунтазам равишда халқаро ва республика миқёсидаги илмий-техникавий анжуманлар қатнашчиси, бир қатор илмий мақолалар муаллифи бўлиб, жорий йилда И.М. Губкина номидаги Россия Давлат нефт ва газ

университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида бўлиб ўтган «Ўзбекистон нефт ва газ саноати ривожланишининг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида энг яхши маърузаси учун муносиб тақдирланди.

Шубҳасиз, Лазизахон ва Шаҳзодахон каби жамиятимизда фаолият олиб бораётган кўплаб ёшларимиз келажақда Юртимиз нефт ва газ саноатини барқарор ва жадал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз.

«O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамиятида Қасаба Уюшма Қўмитаси ва иш берувчи томонидан тақдирланган жамоа шартномаси мавжуд бўлиб, унда кўрсатилган барча имтиёزلардан қасаба уюшманинг барча аъзолари тенг фойдаланиб келмоқда. «Яхши дам, меҳнатга ҳамдам» деганларидек, Қасаба Уюшма Қўмитасининг раиси Феруза Алимухамедова ташаббуси билан жамиятнинг барча ходимлари каби хотин-қизлар ҳам саломатликларини тиклаш, маданий ҳордиқ чиқаришда берилган имтиёزلардан фойдаланиб келмоқда. Анъанага мувофиқ, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига уюштирилган саёатларда хотин-қизлар маданий қадриятларини ўрганиши билан бирга маънавий ва маърифий илмларини ошириши ва ўз ўрнида келажақ авлод бўлмиш фарзандлар тарбиясида ҳам ўрнатилган бўлмоқда.

Изланишлар самараси сифатида «O'ZLITINEFTGAZ» Акционерлик жамияти келажақда Ўзбекистон Республикаси нефт ва газ соҳасини барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшишни асосий мақсади, деб билади.

Мукаддас НОРМАТОВА, «O'ZLITINEFTGAZ» Стандартлаштириш ва ишлаб чиқариш сифат менежменти асосий бўлимининг илмий-техник сектори мудири, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раиси



“Ниҳоят, талаба бўлдим...” Кечагина “абитуриент” мақомида юриб, китобдан бош кўтармай нечанича тунларни тонгга улаган талабанинг ич-ичидан кечаётган ҳиссиётлар биргина шу сўзда мужассам. **“Буёғи қанақа бўларкин?”** **Қанақа бўларди? Фақат ўқиш, ўқиш... ва ўқиганда ҳам сидқидилдан тиришиб ўқиш лозим.**

“Контрактчи” талабамисиз? Унда ўқиш учун икки баробар тер тўкишингизга тўғри келади. Ахир, илм олишни игна билан қудуқ қазшдек машаққат, дейишлари бежиз эмас.

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, тўлов-контракт пулини 1 йилда фақат 2 марта, яъни:

- биринчи марта тўловнинг 50 фоизи 1-курс талабалари учун жорий йилнинг 15 сентябрга (чунки 1-курс талабалари учун тўлов-контракт пулини тўлаш тўлиқ амалга оширилганидан сўнг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилади. Агар талаба тўловнинг 40 фоизини тўласа ҳам буйруқ чиқарилмайди);

- иккинчи ва ундан юқори курсдаги талабалар учун 1 октябрга;

- иккинчи марта келаси йилнинг 1 мартига қадар қолган 50 фоизини тўлаш тартиби белгиланган.

ТАЛАБАНИНГ ЎҚИШИГА САРФЛАНАДИ

Контракт пулини олдиндан бирданига бир йиллик ёки талаба ўқишни тугатгунга қадар бўлган давр учун тўлашингиз ҳам мумкин. Фақат ўқишнинг қайсидир даврида тўлов-контракт пули оспадиган бўлса, ўша ошган миқдорини тўлаб борасиз. Тўғри, бу ҳолат қайта-қайта чўнтак қавлашни орқича оворагарчилик деб билганлар учун малол келиши мумкин. Лекин тартиб шундай. Агар, сиз коммунал хизматлар учун тўловни истаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйсангиз, нархлар ошганда ҳам сиздан кўшимча пул талаб қилинмайди. Чунки, бундай ташкилотлар фойда кўрувчи ҳисобланади. Таълим муассасаси эса фақат харажат қилувчи ташкилотдир. Бунда талабанинг бир йиллик ўқиши учун тўланган контракт пули фақат ана шу талабани ўқитишга сарфланади.

ТўЛОВ УСУЛЛАРИ

Контракт пулини тўлаш учун тўлов усуллари чекланмаган:

- агар сиз тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга ошироқчи бўлсангиз, уч томонлама шартнома тузилади. Бунда таълим муассасаси, талаба ва ана шу талабани ўқитиш учун пул ўтказиб берадиган ҳомий ташкилот иштирок этади;
- агар нақд пулда ёки пластик

“КОНТРАКТЧИ” ТАЛАБА

ёхуд тўлов-контракт асосида ўқишнинг шартлари, талаблари ва имтиёзлари ҳақида

карточка орқали амалга ошироқчи бўлсангиз, икки томонлама, яъни таълим муассасаси ва талаба ўртасида шартнома тузилади.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрларида таълим олиш учун (ўзининг ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган маблағлар даромад солигига тортилмайди.

ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ НЕЧА ЙИЛГА БЕРИЛАДИ?



Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги Қарорига илова сифатида, “Олий ўқув юрларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Унга кўра, таълим кредитлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-шартнома асосида қабул қилинган талабанинг ўзига, ота-онаси ёки васийларига берилиши мумкин.

Таълим кредитлари олий таълим муассасаларидаги ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?

Таълим кредити олиш учун қара олувчи ўзи яшайдиган ҳудудда жойлашган тижорат банклари муассасаларига мурожаат қилиб куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- + таълим кредити олиш учун банк бошқарувчиси номига ариза;
- + талаба ва олий таълим муассасаси ўртасида белгиланган тартибда тузилган шартнома;
- + яшаш жойи тўғрисидаги маълумотнома;
- + кредит қайтарилишини таъминлаш тўғрисида ҳужжат;
- + имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлганлар, яъни чин етимлар ва “Меҳрибонлик уйи”да тарбияланганлар, болаликдан 1-2-гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оила фарзанди эканлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар.

КРЕДИТ ФОИЗИ ҚАНЧА?

- + Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда;
- + чин етимлар ва “Меҳрибонлик уйи”да тарбияланган талабалар, болаликдан 1-2-гуруҳ ногиронлари учун - 0 фоиз ставкада;
- + кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларга қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдордаги ставкада.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг 50 фоизи шаҳар ва туманлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунинг учун талаба маҳалла фуқаролари

муддат ичида таълим кредити ва унга қўшилган фоизлар бўйича қарзларни тўлиқ қайтариши шарт. Агар талаба бир йил ўқиб, ўқишдан четлаштирилган тақдирда ҳам, қарзни тўлиқ қайтаради. Бунда таълим муассасаси тўлов бўйича ҳеч қандай жавобгарликни олмайди. Чунки ўша талаба учун тўланган кредит талабанинг бир йиллик ўқиш харажати билан қопланади. Таълим муассасасидан эса талабалар сафидан чиқарилганлиги тўғрисида буйруқ чиққан кундан эътиборан 10 иш куни мобайнида банкка хабар бериш талаб этилади. Акс ҳолда олий ўқув юрти маълум қилинмаган вақт учун ҳисобланган фоизларни тўлашга мажбур бўлади.

ТАРТИБ ҲАММА УЧУН БАРОБОР

Талаба хоҳ тўлов-контракт асосида таҳсил олсин, хоҳ бюджет асосида, белгиланган меъёрларга амал қилишга мажбур. Зеро, олий ўқув юртидаги интизом талабаларнинг сифатли таълим олиши учун хизмат қилади. Ҳар қандай тартиб-қоида амалиётга татбиқ этилишдан олдин ўрганиб чиқилади, муҳокама қилинади, сўнгра олий ўқув юрти низомига



йиғинига мурожаат қилиши мумкин.

ШАРТЛАР ҚАНДАЙ?

Қарз олувчи таълим кредити олишдан аввал куйидагилардан бирини банкка тақдим этиши талаб этилади:

- + мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;
- + банкнинг кафолати;
- + учинчи шахсининг кафиллиги;
- + суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- + чин етимлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, болаликдан 1-2-гуруҳ ногиронлари учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг кафиллиги.

ҚАРЗНИ ҚАЧОН ҚАЙТАРИШ КЕРАК?

Таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига пул ўтказилган кундан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқиш учун берилган расмий муддат тугагандан (айрим курсларда такоран ўқиш муддати ҳисобга олинмайди) уч ой ўтганидан сўнг бошланади. Талаба ёки ота-она ўз хоҳишига биноан кредитни муддатидан аввал тўлаши ҳам мумкин.

ТАЛАБА ЎҚИШДАН ҲАЙДАЛСА...

Таълим кредити олган талаба, агар талабалар сафидан чиқарилса, 3 ой

киритилади. Низомда кўрсатилган тартиб-қоидаларга барча бирдек амал қилиши шарт.

ТАЛАБА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШГА ҲАҚЛИ!

Талабанинг таълим сифатини талаб қилиш ҳуқуқи ҳар бир олий ўқув юртининг низомида келтирилган. Яъни талаба таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси маъмуриятига, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларнинг кўриб чиқишини талаб қилишга ҳақли. Қолаверса, у сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори маънавият мутахассис бўлиб етилиш учун қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларидан ҳам фойдаланишга ҳақлидир.

Бироқ шу билан бирга талаба зиммасида бир қатор мажбуриятлар борлиги белгиланган. Жумладан:

- олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллаш;
- ўқув режасида назарда тутилган топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажариш;
- олий таълим муассасасининг Устави, ички тартиб қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этиш.

Амрулло АҲМЕДОВ,
ҳуқуқшунос

Эндигина 13 ёшга тўлган Наима уч-тўрт мартаба уйдан қочиб кетди. У ҳам тендошлари қатори ўйнаб-кулиши, оромгоҳларга бориши, китоб ўқиб, спорт билан шугулланиши мумкин эди. Аммо оиладаги меҳрсизлик, зуғум уни шу йўлни танлашга мажбур қилди. Бегона кўчаларда оввораю сарсон бўлиб юрган қиз “Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш” марказига олиб келинди.

Наргиза Бадалова, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази инспектори:

– Марказимизда Наимага ўхшаган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар бор. Уларнинг бу ерга келиб қолишига турли сабаблар мавжуд. Масалан, қаровсиз, назоратсиз ёки адасиб қолган, ўз уйдан ўзбошимчалик билан чиқиб кетган, ёрдамга муҳтож болалар... Оиладagi носоглом муҳит бола ҳаётининг барбод бўлишига сабаб. Бунга қандай чора кўриш мумкин? Бу албатта, боланинг келгуси тақдирини ҳусусида чиқарилган тўғри қарорда ўз аксини топади. Наиманинг тақдирини ҳам ана шундай... Унга айримларнинг нотўғри маслаҳат бергани кишини ажаблантиради. Ахир, ўз онаси бўла туриб, ўсмир ёшдаги дугонасининг йўриғига юрган қизнинг эртаси нима бўлади? Албатта тарбияси оғир болалар марказга қабул қилинади. Бундан кўзланган асосий мақсад боланинг шахсини аниқлаб, 30 кун ичида ўз уйига ёки меҳрибонлик уйига, махсус мактаб интернатига жойлаштиришдан иборат. Марказда болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, тарбиявий профилантика ишлари олиб борилади. Турли тўғрақлар ташкил этилиб, уларнинг бандлиги таъминланади. Бола бу вақтда психолог ва тарбиячилар назоратида бўлади. “Хар бир бола меҳр ва эътибордан четда қолмайди” сингари ғоялар, “Камалак юлдузлари” ва бошқа фестивал, байрам ва танловлар, “Соғлом бола йили”, “Соғлом она ва бола йили” каби йилларнинг номлилари ва унинг асосида қабул қилинган Давлат дастурлари эртамиз эгаларининг камолотига қаратилган.

Севара Атабаева, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази психологи:

– Бола бирламчи тарбияни оилада олади. Бунинг учун ота-она фарзандига намуна бўлиши лозим. Кўчада юрган, қаровсиз қолиб ёки уйдан қочиб кетаётган болаларнинг ҳам асосли сабаби бор. Ахир, улар бола, дунёни эндигина танишмоқда. Ота-она йўлбошчи бўлиши керак-ку? Марказимизга олиб келинган болалар билан дилдан гаплашишга ҳаракат қиламан. Аввалига болажонлар тортинишади, гапиришни исташмайди. Вақт ўтиб, ҳаммаси маълум бўлади. Оиладagi носоглом муҳит бу сарсонгарчиликнинг бирламчи сабаби. Мана мисол учун, Наимани олайлик. Қиз уйдан қочиб кетиб, бир кун бу дугонасиникида, бошқа кун унисиникида

БОЛАЛИГИ САРСОН БОЛАЛАР

Долзарб мавзу



яшаб юради. Ана шу дугоналар унга ўз таъсирини ўтказга бошлади. Бу албатта уйда онанинг беэтиборлигидан келиб чиққан. Оқибатда қиз ёмонларга қўшилиб қолади. Вақтида бунинг олди олинмаганида, унинг жиноят кўчасига кириб қолиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Марказимизда Шохрух исми бола бор. У яқинда махсус мактаб интернатга юборилади. Бола эндигина 12 ёшга тўлди. Унинг орзуси футболчи бўлиш, дастлаб боксга қатнаган болакай футболга бора бошлайди. Бироқ, бекор вақтини кўчада, безори болалар билан ўтказиши унинг ўқишга бўлган қизиқишини сўндиради.

– Тўғриси айтсам, ўзимда ҳам айб бор, – дейди Шохрух. – Кўчадаги дўстларин билан бирга юрим, компьютер ўйинлари боргим келарди. Виламан, бу дарсларимга халақит берарди, кўп вақтда ҳам боришдан бош тортардим. Онам мени кўп жазоларди, унга жаҳл қилиб уйдан қочиб кетдим...

Шохрух сукут сақлаб, бошини ерга эгди. Аслида ҳали бегуборлиги кетмаган болада айб йўқ. Зурриёдини дунёга келтириб қўйиб, унинг тарбияси билан шугулланмаган ота-она, дарсга келмаётган ўқувчисининг тақдирини билан қизиқмаётган муаллим ёхуд тарбияси оғир боланинг қилмишларини кўриб кўрмасликка олаётган маҳалладагилар наҳотки сергаклини қўлдан бериш ноҳуш оқибатнинг бошланиши эканини унутган бўлса?! Агар оила, маҳалла, мактаб муассасаси бир ёқадан бош чиқариб – бирлашиб бу каби иллатларга қарши курашганида эди, Шохрухга ўхшаган ўсмирлар кўчада тентираб юрмаган бўларди!

Гавҳар Каримова, ўқитувчи:
– Назоратда турадиган бир бола билан ишлайман. У кўп дарс қолдиради, кўчада бекорчи болалар билан юради. Бунинг оқибати яхшимас. Бола фанларни ўзлаштириш ўрнига, турли безориликларни ҳам қилиши мумкин. Аввало бундай болаларнинг оилавий муҳитини ўрганиш керак бўлади. Аксарият ҳолларда ота ишда, она ўз юмушлари билан

банд бўлгани сабабли боласини тарбиялашга вақти бўлмайди. Виласизми, назоратимдаги бола билан ишлаб, ота-онаси уни сира тингламаслигини, бола ўз фикрини билдирилмаётганини аниқладим. Кўчада аҳвол бошқача... Ёнидаги болалар шеригини тинглашади, ўз йўриғига солишади. Натижа юқоридаги ҳолатни келтириб чиқарини тайин. Шунинг учун биз катталар бола билан у ёқтирган мавзуларда суҳбатлашишимиз, керак бўлса, сирлашишимиз лозим. Бундай болаларга топшириқ берилаётганда ҳам алоҳида ёндашув талаб этилади. Мабодо қўлдан келмайдиган топшириқни бериб қўйсак, у буни ууддай олмаслигини сезиб, қизиқини йўқолиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи психолог бўлиши, боланинг тилини тушуна билиши талаб этилади. Болани тинглай билиш ва тушуниш аслида ота-онанинг вазифаси, бироқ оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги дастури ўйламанки, барчамизни хушёрликка, масъуликка чақиради.

Маҳалладошлари дакки берса, сабабини суриштирмай фарзандининг ёнини оладиган ота-оналар орамизда кам эмас. Бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бежизга айтилмаган.

Мавлуда Нурматова, Чилонзор тумани, Меҳржон маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

– Маҳалламизда безори болалар йўқ, бунинг сабаби маҳалла фуқароларининг аҳилигидан бўлса керак, деб ўйлайман. Кўз ўнгимизда қайсибир бола ноҳўя ҳаракат қилаётган бўлса, танбех берамиз, ота-онасига айтамыз. Улар бундан хулоса чиқариб, назоратни оширишади. Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни жуда муҳим. Шахсан мен, кўчамиздан бегона одам ўтиб қолса, дарров унинг кимлигини, нима мақсадида маҳалла худудида юрганини сўрайман. Маҳалламиздаги можароли оилалар бўлса, нурунийлар билан маслаҳатлашиб муаммони ҳал қилишга киришимиз. Ҳафтага икки-уч мартаба мактабга чиқаман, ўқувчиларнинг давомати билан қизиқаман, дарсга келмаган боланинг уйига бораман. Иложи борича болаларимизни ички назоратга қўйилмаслигига ҳаракат қиламан. Камчиликларни, маҳалла ичида, оила билан бирга бартараф этишга уринамиз. Вугунги болаларнинг дунёқараши кенг. Шу сабаб уларни танбех билан тарбиялаб бўлмайди, жазолаш ҳам нотўғри. Уларга тўғри тушунтириб, меҳр ва ширин сўз билан таъсир ўтказиш мумкин.


Хулоса қилиб айтганда, фарзандларимиз эртасига масъуллик, уни ҳар қандай ёт таъсирлардан химоя қилиш, аввало, ота-она, маҳалла, мактабнинг зиммасида. Бироқ бу бошқалар беварқ бўлиши мумкин, дегани эмас. Яшаётган маҳалламизнинг тотувлиги маҳалладошларимизга, ободлиги одамларга боғлиқ экан, Ватаннинг тинчлиги ҳам ўз-ўзидан юртдошларимизга, ҳар бир фуқарога тааллуқли эканини унутмайлик.

Камола АДАШБОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ САРИ...

Отабек Мухторовнинг илму маърифатга чанқоқлиги, китобга ташналиги, ҳаммиса кўналяси илм масканлари-ю, китоб дўконлари эканлиги, самимияти, бир сўзни айтишдан олдин обдон мулоҳаза қилиши, устоз ва дўстларга сарфоти, хурмати, қўлидан келганича каттаю кичикка ёрдам беришга шайлиги, одамийлиги – яъни шарқона тарбияси ва бошқа жиҳатлари мени ҳаммиса хайратлантириб келади. “У ўзини шундай тутишга уринармиз”, – ўйлайман баъзан. “Йўқ”, дейман сўнг ўзимга-ўзим. Демак, бу оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг меваси. Демак, Отабек ота-онаси ва устозларидан ижобий андоза ола билган. Ўзида илмга чекез иштиёқни шакллантирган. Ўрта таълим босқичини тутатган илмга чанқоқ қаҳрамонимиз 2008 йилда Андижон давлат университети педагогика факультети, педагогика-психология таълим йўналишига давлат гранти асосида қабул қилинди. У талабаликнинг

дастлабки вақтлариданоқ илмий изланишни бошлаб юборди. Изланувчанлиги, ташаббускорлиги билан устозлари эътиборига тушди. Устози, руҳшунос олима Машрабой Ҳалимова бошчилигидаги мунозара клубига раҳбар сифатида сайланди, турли бахс-дебатларда қатнашди, ўзи ва ўзгаларни илмга қорлади. У шундан бери олийгоҳ илмий-педагогик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиб келади. Отабек Мухторов “Ёр-мой чиқиндиларидан иссиқлик энергия манбаи сифатида фойдаланиш тизимини яратиш” йўналишида изланишлар олиб борди ва бу борада матбуотда бир неча чиқишлар ҳам қилди. Иккинчи йўналиш – ўз соҳасига бевосита алоқадор бўлган мавзудаги “Маҳаллада ўсмир ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш” лойиҳаси бўйича амалга оширган ишлари негизда эса, маҳалладаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмулли ўтказишга эришиш, уларни турли ёт



таъсирларга берилишининг олдини олиш мақсад-муддаси турадики, бу баркамол, маънан ва руҳан соғлом авлодни шакллантириш йўлидаги энг хайрли ишдир. Қаҳрамонимиз эндиликда илмий изланувчи ва айни чоқда, ўзи таҳсил олган олийгоҳ – Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетининг ёш мурабийси, кўнлаб ёшларга сабоқ бераётган семилли устоздир. Отабекнинг 30 дан зиёд мақоласи илмий тўпламларда эълон қилинди. Талабалик даврида Алишер Навоий стипендияси соҳиб бўлиши ҳам унинг тинимсиз изланишлари маҳсули, ал-

батта. Унинг докторантлик борасидаги изланишлари самараси бўлган илмий мақолалари нуфузли халқаро илмий журналларда босилди. Отабекнинг бундай ютуқларини яна кўнлаб келтириш мумкин, буларнинг ортида эса, ҳаётнинг бир лаҳзасини ҳам бекор қетказмаслик, умрни қадрлаб яшаш, шоир айтганидек, ҳар бир кундан бир сабоқ олиш, бир сабоқ қолдириб япшади интилиш, овоз ва обод Ватанимизнинг истиқлолини мустаҳкамлашга, ёшларда соғлом таваққур муҳитини шакллантиришга баҳолиқудрат ҳисса қўлишга уриниш ҳисси муҳасам.

– Келажакдаги орауларингиз? – сўрайман ундан.

– Устозларим пзидан бориб, овоз юртва муносиб фарзанд сифатида яшаш! – дейди у иккиланмай. – Вилларим фақат ва фақат эъгуликка асосқа, кимгадир нафим тегса, мендан бахтиёри бўлмайди!

Ҳа, Отабек бошқа мингларча тенгдошларининг қалбидаги изҳорини мана шу сўзлар замирида ифодалагани рост!

Искромжон Аслий

Кир ювиш воситалари: МАҲСУЛОТ КЎП, ХАРИД МУАММО...

Кўп ишлатилган хўжалик воситаларидан бири совун ва кир ювиш кукунларидир. Деярли ҳар ҳафта уни харид қиламиз. Маҳсулотни танлашда бекалар асосан, унинг нархи, ҳидига эътибор беришади. Аслида, бузун дўконлардаги ана шу маҳсулотларни танлашда нимага аҳамият бериш лозим? Уларнинг сифати нимага боғлиқ? Сотувчиларнинг маҳсулотга муносабати қандай?

Ҳамма сотувчи бўлавермайди, бироқ ҳамма харидор. Хўш, кир ювиш кукунини ва совун харид қилаётганда нимага эътибор бериш керак?

Умида Мансурова, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бўлими бошлиғи:

Маҳсулотларнинг хилма-хиллиги танлаш имкониятини оширади. Истеъмолчининг бирламчи ҳуқуқи сотувчидан мувофиқлик ва гигиеник сертификатни талаб қилишдир. Шу билан бирга у маҳсулот ҳақида сотувчидан сўраши керак. Масалан, кир ювиш кукунини харид қилишдан олдин унинг қадоғи – ёрлиғида қуйидаги маълумотлар – қайси давлатга тегишлилиги, корхона номи, манзили, штрих коди, қандай ҳароратда ва қайси турдаги кийим-кечаклар ва қўлда ёки кир ювиш машинаси учун мўлжаллангани, ишлаб чиқарилган санаси, сақланиш муддати, таркибига эътибор қаратиши керак. Шунингдек, маҳсулотдан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳам мана шу ёрлиқда келтирилиши тартиб-қоидаларда белгилаб берилган. Хўжалик совунини харидида вазни, устидаги ёзуви, кўриниши ҳамда ҳидига диққат қаратиш лозим. Кўпинча, бу турдаги совунларнинг оғирлиги юза қисмида белгиланган оғирликка нисбатан кам бўлади. Урилган, эзилган жойлари ҳам маҳсулот сифати бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

СИФАТЛИСИ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

Жуда кам истеъмолчиларгина кир ювиш воситаларини танлаш қоидаларини билади.

Васила Абдуллаева, Ўзстандарт агентлиги ходими:

Бугун дўконларда синтетик ювувчи воситаларнинг турлари жуда хилма-хил. Хориж ва маҳаллий воситалар талайгина. Энг муҳими, ўзимизнинг маҳсулотлар хорижликдан қолишмайди. Ювиш воситаларини танлашда нималарга эътибор бериш керак.

УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАР:

Ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилиги муддати, таркиби, ва албатта, ишлатиш қўлланмаси. Қадоқдаги ранглар ёрқинлигига;

Оқ кийимларга мўлжалланган кукунга оқартирувчи қўшимча қўшилади. Улар рангли кийимларга қўлланилса,

кийим оҳори бузилади.

Болалар кийимлари учун восита алоҳида ёрлиғланиш керак, чунки болалар териси нозик, шу сабаб кир ювиш кукунларида гипоаллерген бўлиши, қўшимчалар бола терисига салбий таъсир



кўрсатмаслиги зарур.

Гель туридагилар нозик матоли кийимлар учун тавсия этилади.

Хўжалик совунларини харид қилганда совунга урилган штамп аниқ бўлиши, ушлаб кўрилганда ёпшиқ эмас, қаттиқ бўлиши керак. Ачиган ёғ ҳиди ва бошқа ёқимсиз ҳидларга рухсат этилмайди.

Агарда қадоқ устидаги ёзувлар бўртиб чиқмай, хира бўлса, билингики, у ҳақиқий фирма маҳсулоти эмас. Ёрлиқ ишқаланганда, харфлар осонгина ўчса ва қўлда изи қолса, бу ҳам қалбаки. Қути ўгирилганда кукун тўкилса, бу ҳам қалбакидир. Олдий зелёнка (бриллиант яшили)ни олинг ва кир ювиш кукунини солинган идишга уч томчи томизинг. Аралаштиргач, 15 дақиқадан сўнг ранги оқарса, демек ҳақиқий, ранги ўзгармаса, қалбаки.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА...

Универсал кукунларда исталган турдаги газлама ва жун маҳсулотларини, кир ювиш машинасида ҳам, қўлда ҳам ювиш мумкин. Шунинг учун бу турдаги воситалар идишида «универсал» номи кўрсатилади.

МАҲСУЛ КУКУНЛАР суюқ ҳолатда

бўлиб, фақат жунли ёки рангли матоларни ювиш учун ишлатилади. Ёрқин рангдаги юпка ипак матолар ва пахталик газламаларни бундай кукунда ювмаганингиз маъқул. Бир камчилиги, уларни фақат паст ҳароратли сувга солиш мумкин.

Қўшимча ювиш воситаларига оқартирувчи, кукун кучайтиргичлар қиради. Совуқ сувда ювиш тавсия этилган кукунларда синтетик ва қалин газламаларни ювиш мумкин. Бордию сиз кир ювиш машинасида ювмоқчи бўлсангиз, сувни иситишингиз ҳам шарт эмас. Бундай кир ювиш воситаларининг қадоқланган қутисидан сув

кимёвий моддаларнинг кўп солингани натижасида бўлади. Энзимлар оқсил ва ёғларни йўқ қилувчи биологик фаол моддалар бўлиб, асосан қон, шоколад, суддан қолган доғларни кеткизади. Энзимлари бор кукунлар табиий, юнгли ва шойи матоларга тўғри келмайди. Фосфатлар кир ювиш кукунини ичидаги энг хавфли моддадир. Аммо айнан у машинада қасмоқлар пайдо бўлишининг олдини олади. Фосфатларнинг ҳам белгиланган миқдори бўлиб, кир ювиш кукунини 5 фойздан ошмаслиги лозим. Кир ювиш воситаларининг салбий таъсири қуйидагича намоён бўлади: кир юваётиб қўллар қизаради, гоҳ ачийди, ҳатто шилиниб кетиши мумкин.

СОТУВЧИ ВА ХАРИДОР... МУАММО НИМАДА?

Жамолиддин Раҳматов, сотувчи:

18 йилдан бери сотувчилик қиламан. Дўконимизда хориж ва маҳаллий кир ювиш воситалари бор. «Зелёный чай», «Берёзовая Роща», «biotime» каби миллий маҳсулотлар нархи харидорларга маъқул келяпти. Чет элдан келтирилган «Ariel», «Persil» каби маҳсулотлар нархи нисбатан қиммат бўлса-да, сотиб олишмоқда. «Олмос» ва «Янгийул» совунини тез сотилади. Болалар кийимини ювиш учун аллергия келтирмайдиган маҳсулотларни сўрашади.

Муътабар Обидова, ўқитувчи:

10 йил бўлди, кир ювиш кукунидан Arieln ишлатаман. Шу сабаб, унинг сифати ва сифатсизини ажратиб оламан. Сифатлисининг ўрама юмшоқ бўлади ва у хориждан кириб келаётгани сабаб ёзувлари чет эликни. Ҳозирда, бу маҳсулотнинг нархи кўтарилиб бормоқда. Миллий маҳсулотимиздан «Зелёный чай»ни ишлатаман, ҳам ҳамёнбоб, ҳам сифатли. Хўжалик совунларига келадиган бўлсак, ранги оқ совун менга маъқул келмади. Сабаби, хўжалик совунидай кўпиртирмайди, доғларни ҳам яхши кетказмайди. «Олмос» совунини эса ҳиди ёқимсиз бўлгани учун олмайман. Ўзимизда ишлаб чиқарилган «70-75 %» деб эзилган хўжалик совунларини харид қиламан.

Кир ювиш воситаларини танлашда синналган услуб қўл келади. Бўлмаса, ўзимиз ва яқинларимизнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатишимиз мумкин.

Камола АДАШБОВА
тайёрлади.

ҳарорати 60 даражадан ошмаслиги таъкидланган бўлади.

Ёрлиғида «био» номи мавжуд кир ювиш кукунлари бир мунча кучлироқ саналади ва соус, кофе, чой, доғларни кетказишда асқотади.

БИОҚЎШИМЧАЛАР – табиийларига мос ферментлар саналади. Улар уй бекаларининг азалдан доғ кетказиш мақсадида фойдаланган маҳсулотлари – лимон соки, сирка ва туз ўрнига пайдо бўлган моддалардир. Кукун ва биоқўшимчалар билан табиий ипак, жун, шунингдек, бошқа табиий толалардан тайёрланган матолардан бошқа барча нарсаларни ювиш мумкин.

ЗАРАРЛИ ХУСУСИЯТИ

Биоқўшимчали кир ювиш кукунини ишлатишда резина қўлқондан фойдаланиш керак. Акс ҳолда қўл қуруқлашиши ва пўст ташлаши, аллергия реакциялар каби хасталиклар

Э Ё Л О Н

«AKVEST TECHNOLOGY» ҚҚ хўжалик судининг 16.03.2016 йил Қ10-1609/3387-сонли қарорига асосан тугатилмоқда. Думалоқ муҳри, бурчак штампини, таъсис ҳужжатлари БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Даъволар 1 ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади. Олмазор тумани Қорасарой 262-уй.

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти Наманган вилоят муҳбири Шахло Ташбековага падали бузруквори

ИСМОИЛЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЧАҚАЛОҚ ВЕЛОСИПЕД МИНАДИМИ?

Хаммамиз фарзандларимизни яхши едириб-ичиргимиз, яхши кийдиргимиз, яхши жойларда ўқитиб, яхши ишга киритгимиз келади. Бўй қизларимиз, эр йигитларимизни “Яхши жойлардан ато қилсин”, деб дуо қиламиз. Ҳаётимизнинг, кундалик ташвишларимизнинг катта қисми, очиги, ана шу дуо ижобатида, яъни тўйга қаратилган. Ҳаммамизни ҳам тўйларга етказсин.



Мулоҳаза учун мавзу

англаб етишмайди. Ахир оддийгина бешик тўйи қилишнинг ўзи бўлмайди. Келин томон-ку, ўзидан ўтганини ўзи билади. Куёв томон-чи?

Аслида, урф-одат деймизу, буларнинг барчаси “тўқликка шўхлик”дан бошқа нарса эмас. “Мен сендан камми?” қабилда иш юритамиз. Кейин кимга жабр бўлади, албатта ўзимизга! Аёл саломатлиги ҳар нарсадан муҳим. Ахир соғлом онадан соғлом ва бақувват бола туғилади. Худди шу маънода масалага ёндашадиган бўлсак, орзу-ҳавасли кудалар чақалоққа (онасига, دادасига, бувисига, додасига) шунча нарса олиб, дабдабали бешик тўй қилганларидан кўра, бўлғуси она ва гўдак учун тўйимли ва витаминга бой таомлар едиришгани маъқул эмасми? Касалманд ва нимжон туғилган бола то оёққа туриб, тетапоэ қилгунига қадар яқинларини қийнаши турган гап. Илгари келин тугса, ундан хабар олгани борганлар дарҳол “ўғилми-қизми?” деб сўрашарди. Ҳозир тугруқхонага борганлар “Чақалоқнинг тўрт мучаси соғми? Онаси-чи? Саломатми?” деб сўрайдиган бўлишган. Чунки ҳозир кўпчилик оналар ва уларнинг гўдаклари камқонлик хасталигига дучор бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Наҳотки ўткинчи орзу-ҳавасни, дабдабани деб, ўзимизнинг, фарзандларимизнинг соғлигига эътиборсиз бўлсак?... Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Ортиқча расм-русумлардан воз кечиш пайти келмадимикин?...

Тўй – тўқинлик, оёсийшталик белгиси. Тўй қиламиз деб емай-ичмай, йиллаб йигинамиз. Шоир айтганидек, “Йингиб бир кунда юртга берамиз”. Етмаганига қара оламиз. “Атала кетса кетсин, обрў кетмасин”, деган гапни ҳам ўзимиз ўйлаб топганмиз.

Сўнгги пайт айрим ота-оналар, негадир, бўлажак кудасининг уй-жойи, мол-ҳоли, обрў-эътибори билан кўпроқ қизиқадиган бўлиб қолишган. Сийқароқ гап бўлса ҳам айтай: баъзи ота-оналар қизи ёки ўғли турмуш қуришга тайёрами, йўқми – бу билан қизиқмайди. “Тенг тенги билан...”, деган нақл аллақачон унутилган.

...Яқинда Ойтош опа исмли танишим бешик тўйи қилди. Учта боласи билан узоқ йиллар ижарама-ижара юриб, зўрға уч қонали уй олди. Кўп ўтмай тўнгич фарзандини уйлантирди. Битта хонада ўзлари, иккинчисидан фарзандлари, учинчисидан келини, ўғли невараси... “Дом”чиликнинг ахволи ўзингизга маълум.

Ойтош опанинг уйига кириб борганимда меҳмонлар сийраклашиб қолган экан. Бироз ўтиргангиздан сўнг опа чеҳраси гулгул ёниб мени нариги хонага имлади. Секин ортидан чиқдим.

– Келинимизнинг онаси роса орзу-ҳавасли экан. Қаранг, гап икки

ойлик ҳам бўлмаган неваранимга шунча нарса олиб келибди. Буни кўрган кўни-кўшнилариимнинг оғзи ланг очилиб қолди.

Хона тўла чақалоқнинг буюмлари: ҳарир пардали чиройли кравотча. Унинг ёнида ясалган беланчак, бешик, каттагина велосипед. Ундан сал нарида ярим метрча келадиган ўйинчоқ машина, турли-туман юмшоғу қаттиқ ўйинчоқлар, киши, ёзги аравачалар, сумка-сумка кийим-кечак. Ҳаттоки шкафчаси ҳам бор...

Бундан ташқари, чақалоқнинг онасига, دادасига, бувисига, бобосига, ишқилиб, қуда томоннинг барчасига бош-оёқ сарпо...

Хонада ҳамма нарса бор фақат... ўтиришга жой йўқ. Энди ўғли билан келини қаерда яшаркан, деган савол миямда чарх ура бошлади.

– Уйни тўлдириб ташлабсизлар. Энди ўзлари қаерга жойлашади? – деб юборганимни сезмай қолибман.

– Бир гап бўлар. Муаммомаску бу. Муҳими, кудамизнинг кўли очиклигидан хурсандиман. Ҳали яна олиб келадиган нарсалари бор экан. Машинага сизгабди, – дея мақтанишда давом этди танишим.

Шу пайт келин бўлмиш ичкарига бош суқиб, қайнонасини имлади. “Ҳозир, ҳозир бораман”, дея у мени яна меҳмонлар ўтирган хонага бошлади.

Кувончли кунларида албатта, яқинларимиз ёнида туриб, хурсандчилигига шерик бўлишимиз яхши. Бироқ чақалоқнинг дунёга келишини ортиқча дабдабаозликка айлантираётган айрим кишилар бу удумнинг нега керак эканлигини ўзлари ҳам

Хонбиби ҲИММАТ қизи

САХИЙ

ҚИЗАЛОҚ

Кўринишдан хийла ўзига тўқ оиланинг фарзанди эканлиги маълум бир қизча қўлида бир даста пулни сикқанча, шахарнинг энг катта ўйинчоқ дўқонларидан бирининг расгаларини кўздан кечирарди. Бу дўқонда дунёга барча ўйинчоқлар жамлангандек, расгаларда бир-бирдан чи-

ХИКОЯ кўғирчоқ қизчага ёкиб қолди. Отасига қараб сўради:

– Отажон, кўлларимдаги пул бу ўйинчоққа етадимми? Отаси боши билан тасдиқ ишорасини берди. Қизча чақалоқ-кўғирчоқни кучоқлади ва отасининг ортидан касса томон юрди. Худди шу ерда ўзига ўхшаб отаси билан ўйинчоқ харид қилгани чиққан ўғил болачага кўзи тушди. Болакай калта иштонча кийган, эғнидаги кўйлаги ҳам анча эскирган эди. Боланинг кўлчаларида бироз пул бор эди. У растадаги ўйинчоқлардан бирининг олдига ҳаяжон билан яқинлашди ва отасига:

– Мана, шу ўйинчоқни олиш-ни хоҳлайман, ота-жон! – деди. Бироз ўйинчоққа термулиб тураркан, қувчидаги пулларга ишора қилди: – Шу ўйинчоққа етадимми?

Отаси боласининг кўзларига қараёлмай боши

Кас-сага бориб, ўйинчоқнинг пулини тўлайдилар. Қизалоқ кассада ўтирган қизча нимани олишидир пичирлаб, тушунтирди.

билан инкор ишорасини берди. Болакай қувчидаги пулга маъносини нигоҳ ташлаб, ўйинчоқни жойига қўйди. Отасининг қўлидан тутиб, сурат-китоблар растасига йўналди.

Қизалоқ бу ҳолатни кузата туриб, кучоғидаги чақалоқ-кўғирчоққа бир муддат тикилиди. Сўнг болакайга ёққан ўйинчоққа қаради. Чақалоқ-кўғирчоқни ўрнига олиб бориб қўйди. Ўйинчоқни кўрсатиб отасидан сўради:

– Бу ўйинчоққа пулим етадимми, ота-жон? – Отаси қизчасига ҳайрон қараганча “Ҳа, етади” деди. Кассага бориб, ўйинчоқнинг пулини тўладилар. Қизалоқ кассада ўтирган қизча нималарнидир пичирлаб, тушунтирди. Қизалоқ ва отаси бир четта ўтишти. Бироздан сўнг болакай ва отаси қўлида бир сурат-китоб билан кассага яқинлашди. Кассир:

– Сизларни табриклайман, деди ҳаяжон билан. – Бутун ҳисобда биринчи харидоримиз сифатида бир совага эга

Аҳмад Унал Чам

бўлдингиз.

У табассум билан ўйинчоқ қутисини болакайга узатди.

– Ажойиб! Мўъжиза! – дея қийқирди бола. – Отажон, бу ўйинчоқни ўйнашни орзу қилардим!

Ота-бола хурсанд бўлиб дўқонни тарк этдилар. Шу пайт қизалоқнинг отаси деди:

– Бунчалик мард, тантисан-а, қизим? Бундай қарорга келишинга нима сабаб бўлди?

– Отажон, онам билан бир-галикда менга пул бераётиб “Бу пулга ўзингни севинтирадиган нарсани сотиб ол” демагандингизми?

– Табиийки, шундай дедим, асал қизим!

– Мен ҳам худди шундай қилдим, ота-жон, – қизалоқнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. – Ҳозир қанчалик бахтли ва хурсанд эканимни биласизми?..

Умиди АДIZОВА таржимаси

Oilavajamiat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқроҳ хайрия фонди

Бош муҳаррир:
Воҳид Луқмонов

Обуна индекси – 176

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3922. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Бош навбатчи: О. Жумабоев
Навбатчи: И. Сиддиқов
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5